ГИПЕРОКСАЛАТУРИЯГА АСОСЛАНГАН ЭКСПЕРИМЕНТАЛ НЕФРОЛИТИАЗ МОДЕЛЛАРИНИ ИЛМИЙ АҲАМИЯТИ

Мамасаидов Ж.Т.,
Ахмедов Ж.Х.

imrconf.com

Мавзунинг долзарблиги. Нефролитиаз (сийдик тош касаллиги) ҳозирги кунда жаҳон аҳолиси орасида кенг тарқалган нефро-урологик патологиялардан бири бўлиб, унинг учраш частотаси сўнгги ўн йилликларда барқарор ўсиш тенденциясини намоён қилмоқда. Замонавий эпидемиологик тадқиқотларга кўра, ривожланган мамлакатларда нефролитиазнинг учраш даражаси 10-15% ни ташкил этади (Scales ва бошқ., 2012; Khan ва бошқ., 2016). Шу билан бирга, нефролитиаз фақат тош ҳосил бўлиши билан чекланиб қолмасдан, буйрак тўқимасида чуқур морфофункционал ўзгаришлар келтириб чиқариши билан аҳамиятлидир.

Материал ва усуллар. Интернет ва илмий адабиётларда мавжуд тадқиқот натижалари ёритилган автореферат, илмий мақола, диссертация ва услубий қўлланмалар таҳлил қилинди.

Олинган натижалар. Сўнгги йилларда нефролитиазнинг патогенези чуқур ўрганилиб, ушбу касаллик тубуло-интерстициал шикастланиш ва сурункали буйрак касаллиги ривожланишига олиб келувчи мустақил хавф омилларидан бири сифатида қаралмоқда (Rule ва бошқ., 2011; Keddis, Rule, 2013). Кальций-оксалат кристалларининг тубуляр эпителийга адгезияси, оксидатив стресс ва яллиғланиш медиаторларининг фаоллашуви натижасида тубуло-интерстициал аппаратда эпителиал деструкция, интерстициал яллиғланиш ва фиброз жараёнлари ривожланиши кўплаб экспериментал ва клиник тадқиқотларда кўрсатиб берилган (Khan, 2014; Mulay ва бошқ., 2016).

Бироқ мавжуд клиник тадқиқотларда нефролитиаз билан боғлиқ буйрак шикастланишининг морфологик жиҳатлари кам даражада ўрганилган бўлиб, шу сабабли, нефролитиазнинг дастлабки босқичларида тубуло-интерстициал аппаратда юзага келадиган морфофункционал бузилишларни аниқлаш учун экспериментал моделлардан фойдаланиш катта илмий ва амалий аҳамият касб этади (Evan ва бошқ., 2015).

Экспериментал нефролитиаз моделлари (хусусан, гипероксалатурияга асосланган моделлар) буйрак тубуло-интерстициал шикастланишининг морфологик, морфометрик ва функционал жиҳатларини комплекс баҳолаш имконини беради. Бу эса нефролитиазда яллиғланиш, апоптоз ва интерстициал фиброз ўртасидаги морфопатогенетик боғлиқликни аниқлаш, шунингдек, морфологик ўзгаришлар билан функционал бузилишлар ўртасидаги корреляцияни очиб беришга хизмат қилади (Taguchi ва бошқ., 2017; Worcester, Coe, 2018). Шу сабабли, экспериментал нефролитиазда буйрак тубуло-интерстициал шикастланишнинг морфофункционал хусусиятларини чуқур ўрганиш нафақат нефролитиаз патогенезини янада аниқлаш, балки сурункали буйрак касаллиги ривожланишини олдиндан прогноз қилиш ва профилактик ёндашувларни ишлаб чиқиш учун ҳам илмий асос яратиб беради.

Хулоса. Шундай қилиб, экспериментал шароитда нефролитиаз моделини яратиш, сийдик тош касаллигини патогенези, клиник кечиши ва асоратларини ўрганишда ҳамда давволашни замонавий стратегиясини белгилашда катта илмий ва амалий аҳамият касб этади.

imrconf.com